

## I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 110 517,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-март<sup>1</sup> билан таққослаганда 4,1 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2019 йил январь-мартдаги нархларга нисбатан 114,1 % ни ташкил этди.



### Январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ҳажми

(жорий нархларда, трлн.сўм)




2020 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра, ЯИМ таркибида товарлар ишлаб чиқаришда<sup>2</sup> 55 729,1 млрд. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида 44 172,0 млрд. сўм миқдоридан ялпи қўшилган қиймат яратилди, маҳсулотларга соф солиқлар эса 10 616,7 млрд. сўмни ташкил этди.



### Январь-март ойларида ЯИМнинг физик ҳажм индекси ва дефлятор индекси динамикаси


(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Келтирилган диаграммада кўриниб турганидек, 2020 йилнинг январь-март ойларида ЯИМ ўсиши 2019 йил январь-мартдаги 5,7 % ва 2018 йил январь-мартдаги 5,6 % га нисбатан 4,1 % гача секинлашди. Шу билан бирга, ЯИМ дефлятор индексида ҳам 2019 йил январь-мартдаги 121,3 % ва 2018 йил январь-мартдаги 136,7 % га нисбатан 2020 йилнинг январь-март ойларида 114,1 % гача секинлашиш кузатилди.



<sup>1</sup> Бу ерда ва кейинги ўринларда 2018-2019 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган.

<sup>2</sup> Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат ва қурилишни ўз ичига олади.



Кузатилаётган даврда ўртача алмашув курси бўйича ҳисобланган номинал ЯИМ ҳажми 11 597 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2019 йилнинг январь-мартида - 11 112 млн. АҚШ долл.).

Маълумот учун: 2020 йил январь-март ойларида АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўртача расмий курси 9 530 сўм, 2019 йил январь-март ойларида 8 378 сўмга тенг бўлган.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 3 253 минг сўмни (ёки 341 АҚШ долл. эквивалентида) ташкил этди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-март ойлари билан таққослаганда 2,0 % га ўсди. Аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши 2018 ва 2019 йил январь-март ойларида мос равишда 3,9 % ва 3,8 % ни ташкил этган.

Маълумот учун: Аҳоли жон бошига ЯИМ, жорий нархлардаги ЯИМ умумий ҳажмини мамлакатнинг маълум бир даврдаги ўртача аҳолиси сонига бўлиши йўли билан аниқланади. Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ўртача сони 2018 йилнинг январь-мартида 32 710 минг кишини, 2019 йилнинг январь-мартида 33 316 минг кишини ва 2020 йилнинг январь-мартида 33 971 минг кишини ташкил қилган.



Январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича  
ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми  
(жорий нархларда, млрд. сўм)

	2018 йил	2019 йил	2020 йил
<b>I. ЯИМ - жами</b>	<b>72 615,4</b>	<b>93 101,6</b>	<b>110 517,8</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	62 107,9	82 633,5	99 901,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	10 507,5	10 468,1	10 616,7
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>62 107,9</b>	<b>82 633,5</b>	<b>99 901,1</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	10 102,8	11 887,5	14 742,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	23 554,2	33 940,1	40 986,5
саноат	19 211,2	28 478,1	34 333,0
қурилиш	4 343,0	5 462,0	6 653,5
<b>Хизматлар</b>	<b>28 450,9</b>	<b>36 805,9</b>	<b>44 172,0</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5 861,3	7 018,2	8 262,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	6 777,0	8 079,8	9 059,6
бошқа хизмат тармоқлари	15 812,6	21 707,9	26 849,7



Январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича  
ЯИМ таркиби  
(жамига нисбатан % да)

	2018 йил	2019 йил	2020 йил
<b>I. ЯИМ - жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	85,5	88,8	90,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	14,5	11,2	9,6
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	<b>16,3</b>	<b>14,4</b>	<b>14,8</b>
<b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>	<b>37,9</b>	<b>41,1</b>	<b>41,0</b>
саноат	30,9	34,5	34,4
қурилиш	7,0	6,6	6,6
<b>Хизматлар</b>	<b>45,8</b>	<b>44,5</b>	<b>44,2</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	9,4	8,5	8,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	10,9	9,7	9,1
бошқа хизмат тармоқлари	25,5	26,3	26,8

2019 йилнинг январь-март ойлари билан таққослаганда иқтисодиёт тармоқлари таркибида сезиларсиз ўзгаришлар кузатилди. ЯИМ (ЯҚҚ) тармоқлари таркибида саноатнинг улуши 34,5 % дан 34,4 % гача, хизматлар соҳасининг улуши 44,5 % дан 44,2 % гача камайган бир пайтда, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 14,4 % дан 14,8 % га ошди. Қурилиш тармоғининг улуши 2019 йилнинг январь-март ойларидаги ҳолатда сақланиб қолди ва 6,6 % ни ташкил қилди.



2020 йил январь-март ойларида ЯИМнинг тармоқлар  
бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)



2019 йилнинг январь-март ойларида 2018 йилнинг мос даври билан таққослаганда ЯИМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги улушининг 14,4% гача пасайиши (2018 йилнинг январь-мартда - 16,3 %) ва саноат тармоғи улушининг 34,5% гача ошиши (2018 йилнинг январь-мартда - 30,9%) билан боғлиқ сезиларли ўзгаришлар кузатилган.



Январь-март ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият  
турлари бўйича ўсиш суръатлари  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2018 йил	2019 йил	2020 йил
<b>I. ЯИМ - жами</b>	<b>105,6</b>	<b>105,7</b>	<b>104,1</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	105,7	105,6	104,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	105,4	106,3	104,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>105,7</b>	<b>105,6</b>	<b>104,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	101,6	102,4	103,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	109,7	107,4	104,4
саноат	107,7	106,9	104,0
қурилиш	117,4	110,0	106,5


давоми

	2018 йил	2019 йил	2020 йил
<b>Хизматлар</b>	<b>104,5</b>	<b>105,3</b>	<b>103,8</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	101,2	106,6	103,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	107,2	106,3	105,7
бошқа хизмат тармоқлари	104,7	104,3	103,2

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 90,4 % ини ташкил этди ва 4,0 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 3,6 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 9,6 % ни ташкил этди ва 4,2 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 0,5 ф.п.).



**2020 йил январь-март ойларида ЯИМнинг иқтисодий  
фаолият турлари бўйича мутлақ ўсиш суръатлари**  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоиз ҳисобида)



2020 йил январь-март ойлари якунларига кўра, **қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида** 3,9 % даражасида ижобий ўсиш қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯИМ мутлақ ўсиш суръатига таъсири 0,5 ф.п.ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ижобий ўсиш суръатлари деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 6,4 % га ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 3,6 % га ўсиши билан боғлиқ.

**Маълумот учун:**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида натура шаклида қишлоқ, хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши ҳажми қуйидагича бўлган:

- ✓ сабзавотлар – 62,6 минг т. (ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 111,3 %);
- ✓ гўшт (тирик вазнда) – 476,7 минг т. (104,0 %);
- ✓ сўт – 1 776,4 минг т. (102,9 %);
- ✓ тухум – 1 372,2 млн. дона (105,2 %).

2020 йил январь-март ойларида **саноат тармоғининг** қўшилган қийматида 4,0 % га ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлақ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,2 ф.п.ни ташкил қилди. Саноат тармоғидаги ижобий динамика асосан ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 8,9 % (2019 йил январь-мартида - 7,5 %, 2018 йил январь-мартида - 3,6 %) га ўсиши ҳисобига таъминланди. Ўтган икки йил давомида сезиларли ўсишдан сўнг тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи қўшилган қиймати ҳажмининг таққослама нархларда 11,9 % га пасайиши кузатилди (2019 йилнинг январь-мартида 5,3 % га, 2018 йилнинг январь-мартида 25,8 % га ўсган).



**Январь-март ойларида саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми**  
(жорий нархларда, млрд. сўм)


	2018 йил	2019 йил	2020 йил
 <b>Саноат</b>	<b>19 211,2</b>	<b>28 478,1</b>	<b>34 333,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
 <b>ТОҒ - КОН саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	4 119,0	6 343,8	6 796,9
 <b>ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат</b>	13 478,4	19 706,3	24 402,3
 <b>саноатнинг бошқа тармоқлари</b>	1 613,8	2 428,0	3 133,7



Январь-март ойларида саноат тармоғи ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръатлари  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

		2018 йил	2019 йил	2020 йил
	<b>Саноат</b>	<b>107,7</b>	<b>106,9</b>	<b>104,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
	тоғ - кон саноати ва очик конларни ишлаш	125,8	105,3	88,1
	ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат	103,6	107,5	108,9
	саноатнинг бошқа тармоқлари	106,2	105,3	100,7

Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг жами саноат бўйича яратилган қўшилган қиймат таркибидаги улуши 2019 йил январь-мартдаги - 69,2 % га нисбатан 71,1 % гача ўсиши қайд этилди. Шунга мос равишда, жорий даврда саноатнинг жами қўшилган қиймати таркибида тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноатининг улуши 19,8 % гача пасайди (2019 йилнинг январь-мартда 22,3 %).



Январь-март ойларида саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан % да)




Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш



Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат



Саноатнинг бошқа тармоқлари





2020 йил январь-март ойлари яқунларига кўра, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш металлургия ва металлни қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари) тўғри келди ва 41,0 % ни ташкил этди.

Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг улуши - 13,6 %, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 11,9 %, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 8,0 %, резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш - 7,5 %, авtotранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ҳамда бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш - 6,5 %, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 3,0 %, электр ускуналари ишлаб чиқариш - 2,8 % ҳамда ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 5,7 % ни ташкил қилди.



Январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат ялпи қўшилган қийматининг таркиби  
(жамига нисбатан % да)

	2018 йил	2019 йил	2020 йил
 <b>Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат - жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
 Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	13,6	12,0	11,9
 Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	15,2	13,3	13,6
 Ёғоч ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш; ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс этириш	2,0	1,6	1,4
 Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2,3	3,0	3,0

давоми

		2018 йил	2019 йил	2020 йил
	Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	10,3	8,6	8,0
	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	1,1	1,0	0,9
	Резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	9,3	7,5	7,5
	Металлургия ва металлни қайта ишлаш саноати (машина ва ускуналардан ташқари)	33,0	40,0	41,0
	Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,5	0,4	0,8
	Электр ускуналар ишлаб чиқариш	3,1	2,8	2,8
	Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	1,4	1,0	0,9
	Автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқариш	5,9	7,0	6,5
	Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш; машина ва ускуналарни таъмирлаш ҳамда ўрнатиш	2,3	1,8	1,7

**Маълумот учун:**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида йирик корхоналар томонидан натура шаклида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажми қуйидагича бўлган:

✓ кўмир	– 1 048,2 минг т. (ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 129,6 %);
✓ нефть	– 172,0 минг т. (98,5 %);
✓ табиий газ	– 13 073,3 млн. куб метр (92,2 %);
✓ газ конденсати	– 383,6 минг т. (94,9 %);
✓ чақиқ тош	– 217,3 минг т. (106,1 %);
✓ енгил автомобиллар	– 75 635 дона (127,1 %);
✓ юк автомобиллари	– 1 014 дона (76,6 %);
✓ автомобиль двигателлари	– 64,6 минг дона (133,2 %);
✓ автобуслар	– 312 дона (78,4 %);
✓ тракторлар	– 222 дона (2,2 марта);
✓ портландцемент	– 1 792,4 минг т. (89,6 %);
✓ дизель ёқилгиси	– 254,5 минг т. (95,2 %);
✓ автомобиль бензини	– 282,7 минг т. (115,5 %);
✓ пахтадан йиғирилган ип	70,0 минг т. (115,0 %);
✓ тамаки маҳсулотлари	– 2 515,0 млн. дона (100,1 %);
✓ электр энергияси	– 16 801,7 млн. кВт / соат (99,7 %);
✓ иссиқлик энергияси	– 10 017,1 минг Гкал (99,4 %).

2019 йилнинг январь-марти билан таққослаганда **қурилиш ишлари** ҳажми 6,5 % га ўсди ва мазкур тармоқнинг ЯИМ ўсишидаги ижобий ҳиссаси 0,4 ф.п.ни ташкил қилди.

**Маълумот учун:**

2020 йилнинг январь-март ойларида қурилиш ишлари ҳажми 15 462,4 млрд. сўмни ташкил этди. Қурилиш ишларининг умумий ҳажмида йирик қурилиш ташиқлотларининг улуши 27,7 %, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши 52,5 %, жисмоний шахслар улуши 19,8 % ни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-марти якунларига кўра, **хизмат кўрсатиш соҳасининг** ялпи қўшилган қиймати ҳажми 44 172,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 3,8 % га ўсди (ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 1,5 ф.п.ни ташкил этди). Шундан, савдо хизматлари (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) 3,9 % га, ташиш ва сақлаш хизматлари 2,7 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 17,7 % га ва хизматлар соҳасининг бошқа тармоқлари 3,2 % га ўсди. Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида салбий динамика қайд этилди ва 1,7 % га камайди.

2020 йилнинг январь-мартида **савдо (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) тармоғининг** ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари) га тўғри келди ва 68,2 % (2019 йил январь-мартида - 67,5 %) ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари) нинг улуши 24,9 % (2019 йил январь-мартида - 26,0 %) ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлаш 6,9 % (2019 йил январь-мартида - 6,5 %) ни ташкил қилди.



Январь-март ойларида савдо тармоғининг (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)



2020 йил январь-март ойларида **ташиш ва сақлаш тармоғининг** қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуш автомобиль транспортига тўғри келди ва 53,3 % ни ташкил этди (2019 йил январь-мартида - 50,8 %). Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши 17,4 % (2019 йил январь-мартида - 20,9 %), темир йўл транспортининг улуши 13,3 % (2019 йил январь-мартида - 12,3 %), ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши 9,8 % (2019 йил январь-мартида - 10,6 %) ва ҳаво транспортининг улуши 6,2 % (2019 йил январь-мартида - 5,4 %) ни ташкил этди.



Январь-март ойларида ташиш ва сақлаш тармоғининг  
қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан % да)



**Маълумот учун:**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 268,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 105,1 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, юк айланмаси 16,8 млрд. т-км. га етди ёки 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 100,6 % ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича юк айланмаси:

- ✓ темир йўл транспорти – 5,5 млрд. т-км (ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 102,1 %);
- ✓ ҳаво транспорти – 0,02 млрд. т-км (94,6 %);
- ✓ қувур транспорти – 8,4 млрд. т-км (98,2 %);
- ✓ автомобиль транспорти – 2,9 млрд. т-км (104,8 %).

2020 йилнинг январь-март ойларида барча транспорт воситалари орқали 1 368,2 млн. йўловчи ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 103,2 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 31,0 млрд. йўловчи-км. ни ёки 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 100,6 % ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи айланмаси:

- ✓ темир йўл транспорти – 0,9 млрд. йўловчи-км (92,3 %);
- ✓ ҳаво йўли транспорти – 2,0 млрд. йўловчи-км (82,4 %);
- ✓ автомобиль транспорти – 27,9 млрд. йўловчи-км (102,5 %);
- ✓ метрополитен – 140,8 млн. йўловчи-км (106,0 %).



Январь-март ойларида ахборот ва алоқа тармоғининг  
қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан % да)



2020 йилнинг январь-мартида **ахборот ва алоқа тармоғининг** мамлакат иқтисодиётидаги улуши 2,0 % ни ташкил этди (2019 йилнинг январь-мартида - 1,9%). Ахборот ва алоқа тармоғи қўшилган қиймати таркибида асосий улуш телекоммуникация хизматларига (симли ва мобиль алоқа хизматлари, интернет тармоғи ва бошқаларга) тўғри келди ва 76,4 % ни ташкил этди (2019 йилнинг январь-мартида - 76,5%). Тармоқда яратилган қўшилган қийматнинг қолган 23,6 % и (2019 йилнинг январь-мартида - 23,5%) ахборот ва алоқанинг бошқа тармоқлари (нашриёт фаолияти, компьютер дастурлаштириш соҳасидаги фаолият, дастурлар яратиш бўйича фаолият ва телекўрсатув ва радиоэшиттириш в.б) хиссасига тўғри келади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ЯИМ ўсишида 2019 йилнинг мос давридагига (2,1 фоиз пункт) нисбатан пасайишига қарамай хизматлар соҳасининг хиссаси (1,5 фоиз пункт) энг юқори бўлди.

ЯИМнинг ўсишига саноат тармоғи ҳам салмоқли хисса қўшган бўлиб, 2020 йилнинг январь-мартида 1,2 ф.п. ни ташкил этди. 2019 йилнинг шу даврида эса ушбу кўрсаткич 1,8 ф.п. ни ташкил этган эди.



2020 йилнинг январь-мартда иқтисодиётнинг “Қурилиш”, “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги” каби тармоқлари ЯИМнинг мос равишда 0,4 ф.п. (2019 йилнинг январь-мартда - 0,6 ф.п.) ва 0,5 ф.п. (2019 йилнинг январь-мартда - 0,3 ф.п.) га ўсишига ҳисса қўшди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг ошиши ҳисобига ЯИМнинг 0,5 ф.п. га ўсиши таъминланди (2019 йилнинг январь-мартда - 0,9 ф.п.).



2020 йилнинг январь-марти якунлари бўйича, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 45 749,9 млрд. сўм миқдорда қўшилган қиймат ёки иқтисодиётда яратилган жами қўшилган қиймат ҳажмининг 45,8 % и яратилди.


Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қийматда кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 98,0 %, қурилишда 76,1 %, хизматлар соҳасида 39,6 % ва саноатда 25,5 % ни ташкил этди.

**Маълумот учун:**

2020 йилнинг январь-март ойлари давомида 23,3 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этилди. Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг энг кўп сони савдо (39,9%), саноат (18,6%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,3%), қурилиш (7,9%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (7,4%), ташиш ва сақлаш (2,8%) соҳаларида ташкил этилди.




2020 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг улуши (ЯҚҚга нисбатан % да)



2020 йил январь-март ойларида ЯИМ дефлятор индекси 2019 йилнинг мос давридаги нархларга нисбатан 114,1% ни ташкил этди. ЯИМ таркибида дефлятор индексининг юқори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 119,4%, саноат тармоғида - 116,0%, қурилишда - 114,4% ва бошқа хизмат тармоқларида - 119,8% қайд этилди.

Республиканинг ўртача даражаси (114,1%) дан паст бўлган дефлятор индекслари ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада (106,1%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (113,9%) ва маҳсулотларга соф солиқларда (97,4%) кузатилди.







Январь-март ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % ҳисобида)




ЯИМ




Қишлоқ, ўрмон  
ва балиқ хўжалиги




Саноат




Қурилиш




Савдо, яшаш ва  
овқатланиш бўйича  
хизматлар




Ташиш ва сақлаш,  
ахборот ва алоқа



Бошқа хизмат  
тармоқлари



Маҳсулотларга  
соф солиқлар



















Январь-март ойларида ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот  
(жорий нархларда, млрд.сўм)

		2018 йил	2019 йил	2020 йил
	Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	72 615,4	93 101,6	110 517,8
	Қорақалпоғистон Республикаси	2 841,7	3 426,4	3 955,1
	<i>вилоятлар:</i>			
	Андижон	3 547,3	4 808,2	5 995,3
	Бухоро	3 056,5	4 298,8	4 908,0
	Жиззах	1 799,7	2 231,4	2 631,5
	Қашқадарё	3 994,7	5 218,8	5 804,6
	Навоий	4 405,2	7 214,5	9 383,2
	Наманган	2 625,1	3 332,7	4 236,9
	Самарқанд	4 417,7	5 712,8	6 733,5
	Сурхондарё	2 475,2	3 232,4	4 078,0
	Сирдарё	1 311,4	1 843,0	2 025,2
	Тошкент	6 976,3	9 509,6	11 578,9
	Фарғона	4 133,0	5 716,2	6 576,3
	Хоразм	2 323,9	3 101,4	3 726,9
	Тошкент ш.	11 751,5	15 950,5	19 745,4

<sup>1)</sup> Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.



Январь-март ойларида ЯИМни шакллантиришда  
худудларнинг иштироки  
(ЯИМга нисбатан % да)

		2018 йил	2019 йил	2020 йил
	Қорақалпоғистон Республикаси	3,9	3,7	3,6
	Андижон	4,9	5,2	5,4
	Бухоро	4,2	4,6	4,4
	Жиззах	2,5	2,4	2,4
	Қашқадарё	5,5	5,6	5,3
	Навоий	6,1	7,7	8,5
	Наманган	3,6	3,6	3,8
	Самарқанд	6,1	6,1	6,1
	Сурхондарё	3,4	3,5	3,7
	Сирдарё	1,8	2,0	1,8
	Тошкент	9,6	10,2	10,5
	Фарғона	5,7	6,1	6,0
	Хоразм	3,2	3,3	3,4
	Тошкент ш.	16,2	17,1	17,9


2020 йилнинг январь-март ойларида Республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 17,9 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент вилояти 10,5 % ва Навоий вилояти 8,5 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (1,8 %), Жиззах (2,4 %), Хоразм вилоятларига (3,4 %) тўғри келмокда.

		<b>Январь-март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ (ЯҲМ) ҳажми (жорий нархларда, минг сўм)</b>		
		2018 йил	2019 йил	2020 йил
	<b>Ўзбекистон Республикаси</b> <sup>1)</sup>	<b>2 220,0</b>	<b>2 794,5</b>	<b>3 253,3</b>
	Қорақалпоғистон Республикаси	1 540,2	1 829,7	2 080,4
	<i>вилоятлар:</i>			
	Андижон	1 176,1	1 565,1	1 913,2
	Бухоро	1 636,7	2 265,5	2 547,6
	Жиззах	1 355,7	1 646,4	1 899,6
	Қашқадарё	1 266,5	1 621,1	1 765,9
	Навоий	4 566,4	7 352,8	9 394,5
	Наманган	970,8	1 208,3	1 504,4
	Самарқанд	1 185,4	1 500,8	1 733,2
	Сурхондарё	982,5	1 255,1	1 547,7
	Сирдарё	1 604,7	2 216,5	2 388,3
	Тошкент	2 435,7	3 276,1	3 929,5
	Фарғона	1 139,9	1 549,4	1 749,5
	Хоразм	1 285,7	1 687,0	1 993,7
	Тошкент ш.	4 757,5	6 339,4	7 655,3

<sup>1)</sup>Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда.




Январь-март ойларида ЯҲМнинг мутлақ ўсиш суръатлари  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % ҳисобида)



2020 йилнинг январь-март ойларида Наманган (108,6 %), Сурхондарё (107,1 %), Андижон (106,3 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (106,2 %) юкори ўсиш суръатлари қайд этилди. Республика даражасига (104,1 %) нисбатан паст ўсиш суръатлари Қашқадарё (100,6 %), Сирдарё (102,5 %) ва Самарқанд (103,6 %) вилоятларида кузатилди.



Январь-март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган  
ЯХМнинг мутлақ ўсиш суръатлари  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % ҳисобида)





Январь-март ойларида ЯИМ (ЯҲМ) дефлятор индекслари  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % ҳисобида)


		2018 йил	2019 йил	2020 йил
	<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>136,7</b>	<b>121,3</b>	<b>114,1</b>
	Қорақалпоғистон Республикаси	149,2	119,7	111,1
	<i>вилоятлар:</i>			
	Андижон	128,4	125,3	117,2
	Бухоро	117,2	129,9	108,7
	Жиззах	125,1	120,4	112,8
	Қашқадарё	104,2	128,9	110,6
	Навоий	161,4	161,3	125,5
	Наманган	115,1	121,5	117,1
	Самарқанд	116,8	122,2	113,8
	Сурхондарё	119,9	123,3	117,8
	Сирдарё	119,0	134,9	107,2
	Тошкент	136,9	128,1	116,6
	Фарғона	118,4	131,1	110,6
	Хоразм	120,9	126,5	114,2
	Тошкент ш.	135,3	125,3	116,6

2020 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯХМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах вилоятида (40,0 %), саноатнинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (75,6 %), қурилишнинг энг юқори улуши Сурхондарё вилоятида (9,3 %) ва хизматлар соҳасининг энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (51,4 %) кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, қурилиш ва хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Навоий вилоятида (мос равишда, 8,7 %, 3,3 % ва 12,4 %), саноатнинг энг кам улуши эса Сурхондарё вилоятида (11,6 %) қайд этилди.



2020 йилнинг январь-март ойларида ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



Қишлоқ, ўрмон  
ва балиқ хўжалиги



Саноат



Қурилиш










Хизматлар



Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-мартида Қорақалпоғистон Республикасида ЯҲМ ҳажми 3,9 % га ўсди ва 3 955,1 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги - 104,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 13,3 %), sanoat - 106,1 % (36,1 %), қурилиш - 100,4 % (8,2 %), хизматлар соҳаси - 102,5 % (42,4 %) каби ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Шунингдек, аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2 080,4 минг сўмни ташкил этди ва 2,4 % га ўсди.


2020 йилнинг январь-мартида  
ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)




	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм		Ўсиш суръатлари % да
 <b>ЯҲМ</b>	2018 йил	2 841,7	↑ 106,5
	2019 йил	3 426,4	↑ 100,7
	2020 йил	3 955,1	↑ 103,9
 <b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	2018 йил	318,8	↑ 101,4
	2019 йил	401,7	↑ 102,6
	2020 йил	481,4	↑ 104,3
 <b>Саноат</b>	2018 йил	1 099,9	↑ 110,1
	2019 йил	1 143,0	↓ 95,7
	2020 йил	1 304,6	↑ 106,1
 <b>Қурилиш</b>	2018 йил	202,5	↑ 138,2
	2019 йил	252,4	↑ 100,2
	2020 йил	295,2	↑ 100,4
 <b>Хизматлар</b>	2018 йил	962,6	↑ 100,7
	2019 йил	1 269,1	↑ 106,2
	2020 йил	1 536,0	↑ 102,5
 <b>Маҳсулотларга соф солиқлар</b>	2018 йил	257,9	↑ 108,9
	2019 йил	360,2	↓ 99,8
	2020 йил	337,9	↑ 104,1

Андижон вилоятида ЯХМ ҳажми жорий нархларда 5 995,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-марти билан таққослаганда 6,3 % га ўсди. Иқтисодий ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 20,2 %), саноатда - 110,8 % (32,7 %), қурилишда - 106,1 % (6,3 %), хизматлар соҳасида - 103,7 % (40,8 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари натижасида таъминланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 1 913,2 минг сўмни ташкил этди ва 4,3 % га ўсди.

2020 йилнинг январь-мартида  
ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)









	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯХМ ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръатлари % да
 ЯХМ	2018 йил	3 547,3
	2019 йил	4 808,2
	2020 йил	5 995,3
 Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2018 йил	798,7
	2019 йил	951,4
	2020 йил	1 140,0
 Саноат	2018 йил	934,6
	2019 йил	1 485,6
	2020 йил	1 841,5
 Қурилиш	2018 йил	206,6
	2019 йил	261,2
	2020 йил	355,6
 Хизматлар	2018 йил	1 499,1
	2019 йил	1 879,9
	2020 йил	2 297,0
 Маҳсулотларга соф солиқлар	2018 йил	108,3
	2019 йил	230,1
	2020 йил	361,2

**Бухоро вилоятида ЯХМ 4 908,0** млрд. сўми ташкил этди ва 5,1 % га ўсди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,9 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 27,2 %), саноатда -105,6 % (22,9 %), қурилишда - 111,4 % (8,9 %), хизматлар соҳасида - 103,4 % (41,0 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 3,5 % га ўсди ва 2 547,6 минг сўми ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-мартда ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби**  
(жамига нисбатан % да)









	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯХМ ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръатлари % да
 <b>ЯХМ</b>	2018 йил   3 056,5 2019 йил   4 298,8 2020 йил   4 908,0	↑ 101,0 ↑ 108,3 ↑ 105,1
 <b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	2018 йил   801,7 2019 йил   970,9 2020 йил   1 254,9	↑ 102,8 ↑ 102,9 ↑ 104,9
 <b>Саноат</b>	2018 йил   554,9 2019 йил   980,5 2020 йил   1 054,8	↓ 97,9 ↑ 101,7 ↑ 105,6
 <b>Қурилиш</b>	2018 йил   214,1 2019 йил   331,6 2020 йил   408,1	↓ 87,4 ↑ 144,3 ↑ 111,4
 <b>Хизматлар</b>	2018 йил   1 195,8 2019 йил   1 555,5 2020 йил   1 887,5	↑ 104,6 ↑ 107,8 ↑ 103,4
 <b>Маҳсулотларга соф солиқлар</b>	2018 йил   290,0 2019 йил   460,3 2020 йил   302,7	↓ 99,7 ↑ 111,2 ↑ 105,5

Жиззах вилоятида ЯҲМ ҳажми 4,6 % га ўсди ва 2 631,5 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг тармоқ таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 103,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 40,0 %), саноатда - 107,3 % (12,9 %), қурилишда - 106,4 % (8,4 %), хизматлар соҳасида - 103,8 % (38,7 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 1 899,6 минг сўмни ташкил этди ва 2,3 % га ўсди.

2020 йилнинг январь-мартда  
ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)









	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръатлари % да
 <p>ЯҲМ</p>	2018 йил 1 799,7	↑ 102,4
	2019 йил 2 231,4	↑ 103,0
	2020 йил 2 631,5	↑ 104,6
 <p>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</p>	2018 йил 751,4	↑ 100,4
	2019 йил 829,2	↑ 101,3
	2020 йил 1 032,8	↑ 103,8
 <p>Саноат</p>	2018 йил 212,1	↓ 98,2
	2019 йил 278,1	↓ 98,3
	2020 йил 333,0	↑ 107,3
 <p>Қурилиш</p>	2018 йил 152,4	↑ 116,6
	2019 йил 179,5	↑ 106,5
	2020 йил 217,9	↑ 106,4
 <p>Хизматлар</p>	2018 йил 619,1	↑ 102,7
	2019 йил 816,6	↑ 105,7
	2020 йил 996,1	↑ 103,8
 <p>Маҳсулотларга соф солиқлар</p>	2018 йил 64,7	↑ 104,8
	2019 йил 128,0	↑ 104,1
	2020 йил 51,7	↑ 105,7

**Қашқадарё вилоятида ЯҲМ ҳажми** 5 804,6 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-март ойлари билан таққослаганда 0,6 % ни ташкил этди. Иқтисодиётнинг қуйидаги асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида - 102,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 22,8 %), қурилишда - 104,7 % (8,7 %), хизматлар соҳасида - 104,6 % (44,1 %). Шунингдек, 2019 йилнинг январь-март ойлари билан таққослаганда саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг солиштирма нархларда камайиши кузатилди ва 91,6 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши - 24,4 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 1,5 % га камайди ва 1 765,9 минг сўмни ташкил этди.


**2020 йилнинг январь-мартда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**  
(жамига нисбатан % да)









	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръатлари % да
 <b>ЯҲМ</b>	2018 йил	3 994,7
	2019 йил	5 218,8
	2020 йил	5 804,6
 <b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	2018 йил	892,3
	2019 йил	1 047,5
	2020 йил	1 231,7
 <b>Саноат</b>	2018 йил	967,5
	2019 йил	1 216,4
	2020 йил	1 317,8
 <b>Қурилиш</b>	2018 йил	322,9
	2019 йил	384,3
	2020 йил	470,6
 <b>Хизматлар</b>	2018 йил	1 497,8
	2019 йил	1 937,0
	2020 йил	2 389,9
 <b>Маҳсулотларга соф солиқлар</b>	2018 йил	314,2
	2019 йил	633,6
	2020 йил	394,6

Навоий вилоятида ЯҲМ ҳажми 9 383,2 млрд. сўмга етди ва ўсиш 3,7 % ни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 103,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 8,7 %), саноатда - 103,5 % (75,6 %), қурилишда - 108,0 % (3,3 %), хизматлар соҳасида - 103,6 % ни (12,4 %) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1,8 % га ўсди ва 9 394,5 минг сўмни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-мартида  
ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)









	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръатлари % да
 ЯҲМ	2018 йил 4 405,2	↑ 103,5
	2019 йил 7 214,5	↑ 101,6
	2020 йил 9 383,2	↑ 103,7
 Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2018 йил 519,3	↑ 101,7
	2019 йил 619,6	↑ 102,6
	2020 йил 802,4	↑ 103,8
 Саноат	2018 йил 2 833,8	↑ 100,3
	2019 йил 5 148,4	↑ 100,1
	2020 йил 6 975,9	↑ 103,5
 Қурилиш	2018 йил 167,8	↑ 137,8
	2019 йил 234,1	↑ 113,9
	2020 йил 302,6	↑ 108,0
 Хизматлар	2018 йил 742,1	↑ 105,9
	2019 йил 942,9	↑ 103,6
	2020 йил 1 149,3	↑ 103,6
 Маҳсулотларга соф солиқлар	2018 йил 142,2	↑ 104,1
	2019 йил 269,5	↑ 101,3
	2020 йил 153,0	↑ 103,7



Наманган вилоятида ЯҲМ 4 236,9 млрд. сўми ташкил этди, бу эса 2019 йилнинг январь-март ойлари маълумотларига нисбатан 8,6 % га кўпдир. ЯҲМнинг ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 24,0 %), саноатда - 119,9 % (19,3 %), қурилишда - 133,9 % (7,4 %) ва хизматлар соҳасида - 103,7 % (49,3 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 6,3 % га ўсди ва 1 504,4 минг сўми ташкил этди.


2020 йилнинг январь-мартида  
ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)



	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм		Ўсиш суръатлари % да
 ЯҲМ	2018 йил	2 625,1	↑ 104,0
	2019 йил	3 332,7	↑ 104,5
	2020 йил	4 236,9	↑ 108,6
 Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2018 йил	699,2	↑ 101,6
	2019 йил	793,3	↑ 102,0
	2020 йил	977,3	↑ 104,0
 Саноат	2018 йил	385,3	↑ 102,5
	2019 йил	510,0	↑ 105,7
	2020 йил	785,8	↑ 119,9
 Қурилиш	2018 йил	169,1	↑ 133,4
	2019 йил	206,5	↑ 108,2
	2020 йил	302,0	↑ 133,9
 Хизматлар	2018 йил	1 278,3	↑ 102,7
	2019 йил	1 647,3	↑ 105,0
	2020 йил	2 015,2	↑ 103,7
 Маҳсулотларга соф солиқлар	2018 йил	93,2	↑ 106,3
	2019 йил	175,6	↑ 105,6
	2020 йил	156,6	↑ 112,4

Самарқанд вилоятида ЯХМ ҳажми 6 733,5 млрд. сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати 3,6 % га етди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида -102,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 30,2 %), саноатда - 103,1 % (17,4 %), қурилишда - 108,2 % (5,8 %), хизматлар соҳасида - 103,9 % (46,6 %) ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 1,5 % га ўсди ва 1 733,2 минг сўмни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-мартда  
ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)










	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯХМ ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръатлари % да
<p>ЯХМ</p>	2018 йил	4 417,7
	2019 йил	5 712,8
	2020 йил	6 733,5
<p>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</p>	2018 йил	1 319,7
	2019 йил	1 618,5
	2020 йил	1 975,7
<p>Саноат</p>	2018 йил	742,0
	2019 йил	1 048,5
	2020 йил	1 135,4
<p>Қурилиш</p>	2018 йил	262,3
	2019 йил	309,8
	2020 йил	377,4
<p>Хизматлар</p>	2018 йил	1 974,1
	2019 йил	2 515,5
	2020 йил	3 055,1
<p>Маҳсулотларга соф солиқлар</p>	2018 йил	119,6
	2019 йил	220,5
	2020 йил	189,9



Сурхондарё вилоятида ЯҲМ 7,1 % га ўсди ва 4 078,0 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 30,5 %), саноатда -126,3 % (11,6 %), қурилишда - 110,7 % (9,3 %), хизматлар соҳасида - 104,0 % (48,6 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари хизмат қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 1 547,7 минг сўмни ташкил этди ва 4,7 % га ўсди.

2020 йилнинг январь-мартда  
ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)








	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм		Ўсиш суръатлари % да
 ЯҲМ	2018 йил	2 475,2	↑ 105,3
	2019 йил	3 232,4	↑ 105,9
	2020 йил	4 078,0	↑ 107,1
 Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2018 йил	763,6	↑ 102,4
	2019 йил	889,8	↑ 102,9
	2020 йил	1 209,5	↑ 104,6
 Саноат	2018 йил	277,5	↑ 137,5
	2019 йил	282,2	↓ 87,9
	2020 йил	460,0	↑ 126,3
 Қурилиш	2018 йил	179,1	↓ 94,9
	2019 йил	293,9	↑ 146,7
	2020 йил	369,9	↑ 110,7
 Хизматлар	2018 йил	1 155,5	↑ 103,5
	2019 йил	1 575,3	↑ 105,6
	2020 йил	1 925,5	↑ 104,0
 Маҳсулотларга соф солиқлар	2018 йил	99,5	↑ 107,6
	2019 йил	191,2	↑ 108,0
	2020 йил	113,1	↑ 109,9

**Сирдарё вилоятида ЯҲМ ҳажми** 2 025,2 млрд. сўмга етди ва ўсиш 2,5 % ни ташкил этди. Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 102,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 24,1 %), саноатда 103,3 % (35,8 %), қурилишда 101,2 % (6,8 %), хизматлар соҳасида 101,7 % (33,3 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 2 388,3 минг сўмни ташкил этди ва 0,5 % га ўсди.


**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**  
(жамига нисбатан % да)









	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм		Ўсиш суръатлари % да
 <b>ЯҲМ</b>	2018 йил	1 311,4	↑ 104,0
	2019 йил	1 843,0	↑ 104,2
	2020 йил	2 025,2	↑ 102,5
 <b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	2018 йил	382,1	↑ 100,3
	2019 йил	419,2	↑ 100,2
	2020 йил	468,9	↑ 102,9
 <b>Саноат</b>	2018 йил	357,7	↑ 104,0
	2019 йил	573,6	↑ 100,5
	2020 йил	695,1	↑ 103,3
 <b>Қурилиш</b>	2018 йил	71,2	↑ 134,2
	2019 йил	108,4	↑ 122,9
	2020 йил	131,9	↑ 101,2
 <b>Хизматлар</b>	2018 йил	406,9	↑ 102,7
	2019 йил	540,2	↑ 107,3
	2020 йил	648,1	↑ 101,7
 <b>Маҳсулотларга соф солиқлар</b>	2018 йил	93,5	↑ 106,7
	2019 йил	201,6	↑ 106,0
	2020 йил	81,2	↑ 102,3

Тошкент вилоятида ЯХМ 4,4 % га ўсган ҳолда 11 578,9 млрд. сўмни ташкил этди. Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 103,8 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 17,1 %), саноатда - 105,2 % (52,9 %), қурилишда - 102,0 % (3,8 %), хизматлар соҳасида - 103,7 % (26,2 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 2,9 % га ўсди ва 3 929,5 минг сўмни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-мартда  
ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)









	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯХМ ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръатлари % да
 ЯХМ	2018 йил   6 976,3 2019 йил   9 509,6 2020 йил   11 578,9	↑ 106,0 ↑ 106,4 ↑ 104,4
 Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2018 йил   1 353,4 2019 йил   1 509,0 2020 йил   1 873,6	↑ 101,2 ↑ 102,0 ↑ 103,8
 Саноат	2018 йил   3 071,8 2019 йил   4 465,4 2020 йил   5 793,7	↑ 108,5 ↑ 108,2 ↑ 105,2
 Қурилиш	2018 йил   247,0 2019 йил   337,6 2020 йил   416,9	↑ 150,1 ↑ 113,4 ↑ 102,0
 Хизматлар	2018 йил   1 875,8 2019 йил   2 385,7 2020 йил   2 874,5	↑ 102,3 ↑ 105,5 ↑ 103,7
 Маҳсулотларга соф солиқлар	2018 йил   428,3 2019 йил   811,9 2020 йил   620,2	↑ 108,6 ↑ 107,7 ↑ 104,7

**Фарғона вилоятида ЯХМ ҳажми** 4,0 % га ўсди ва 6 576,3 млрд. сўмни ташкил этди. ЯХМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,9 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 18,2 %), саноатда - 104,1 % (28,9 %), қурилишда - 107,3 % (7,0 %), хизматлар соҳасида - 103,1 % (45,9 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 1 749,5 минг сўмни ташкил этди ва 2,1 % га ўсди.

**2020 йилнинг январь-мартда ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби**  
(жамига нисбатан % да)









	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯХМ ҳажми, млрд. сўм		Ўсиш суръатлари % да
 <b>ЯХМ</b>	2018 йил	4 133,0	↑ 105,2
	2019 йил	5 716,2	↑ 105,5
	2020 йил	6 576,3	↑ 104,0
 <b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	2018 йил	762,1	↑ 101,9
	2019 йил	914,2	↑ 105,3
	2020 йил	1 155,2	↑ 104,9
 <b>Саноат</b>	2018 йил	1 044,0	↑ 104,2
	2019 йил	1 598,5	↑ 105,5
	2020 йил	1 835,8	↑ 104,1
 <b>Қурилиш</b>	2018 йил	274,1	↑ 132,9
	2019 йил	347,1	↑ 107,6
	2020 йил	444,9	↑ 107,3
 <b>Хизматлар</b>	2018 йил	1 858,0	↑ 103,9
	2019 йил	2 398,7	↑ 105,2
	2020 йил	2 905,6	↑ 103,1
 <b>Маҳсулотларга соф солиқлар</b>	2018 йил	194,8	↑ 106,3
	2019 йил	457,7	↑ 105,7
	2020 йил	234,8	↑ 104,1

Хоразм вилоятида ЯХМ 5,2 % га ўсди ва 3 726,9 млрд. сўмни ташкил қилди. ЯХМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 31,8 %), саноатда - 110,7 % (18,8 %), қурилишда - 107,0 % (6,7 %), хизматлар соҳасида - 103,0 % (42,7 %) қузатилган ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 3,4 % га ўсди ва 1 993,7 минг сўмни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-мартида  
ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)








	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯХМ ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръатлари % да
 <p>ЯХМ</p>	2018 йил	2 323,9
	2019 йил	3 101,4
	2020 йил	3 726,9
 <p>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</p>	2018 йил	740,4
	2019 йил	923,2
	2020 йил	1 139,3
 <p>Саноат</p>	2018 йил	366,6
	2019 йил	534,9
	2020 йил	675,6
 <p>Қурилиш</p>	2018 йил	164,1
	2019 йил	196,6
	2020 йил	240,0
 <p>Хизматлар</p>	2018 йил	955,9
	2019 йил	1 262,1
	2020 йил	1 529,8
 <p>Маҳсулотларга соф солиқлар</p>	2018 йил	96,9
	2019 йил	184,6
	2020 йил	142,2

Тошкент шаҳрида ЯҲМ 19 745,4 млрд. сўми ташкил этди, бу эса 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 6,2 % га кўпдир. ЯҲМ ўсишига таъсир қилувчи асосий омиллар бўлиб, саноат - 108,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 40,4 %), қурилиш - 103,6 % (8,2 %), хизматлар соҳасидаги - 104,6 % (51,4 %) ижобий ўсиш суръатлари ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3,6 % га ўсди ва 7 655,3 минг сўмга етди.

2020 йилнинг январь-мартда  
ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан % да)



	Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръатлари % да
 ЯҲМ	2018 йил <b>11 751,5</b>	↑ 106,9
	2019 йил <b>15 950,5</b>	↑ 108,3
	2020 йил <b>19 745,4</b>	↑ 106,2
 Саноат	2018 йил <b>3 852,4</b>	↑ 106,1
	2019 йил <b>5 255,7</b>	↑ 102,5
	2020 йил <b>7 109,3</b>	↑ 108,9
 Қурилиш	2018 йил <b>791,1</b>	↑ 110,3
	2019 йил <b>1 266,6</b>	↑ 141,7
	2020 йил <b>1 436,9</b>	↑ 103,6
 Хизматлар	2018 йил <b>5 992,0</b>	↑ 106,7
	2019 йил <b>7 468,1</b>	↑ 107,7
	2020 йил <b>9 052,3</b>	↑ 104,6
 Маҳсулотларга соф солиқлар	2018 йил <b>1 116,0</b>	↑ 107,3
	2019 йил <b>1 960,1</b>	↑ 108,5
	2020 йил <b>2 146,9</b>	↑ 106,4



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МХТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)** миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

**Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯХМ)** муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯХМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК)** ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

**Маҳсулотлар учун солиқлар** – товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

**Маҳсулотлар учун субсидиялар** – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

**Маҳсулотлар учун соф солиқлар** маҳсулотлар учун солиқлардан маҳсулотлар учун субсидияларни айириш орқали аниқланади.

**ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)** доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМни (реал ЯИМ), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

**ЯИМ дефлятор индекси** иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМнинг (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ) реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.